

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТАЪЛИМ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР**

Ўктам Неъматович Фармонов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш асосида таълим мазмуни, шакллари, хусусиятларини такомиллаштиришга оид масалалар илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: Ўқитувчи, ижод, фаолият, ўқувчи, таълим, муносабат, мустақил фикрлаш, жамоа, сифат, дидактика, тараққиёт.

**PREPARATION OF FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS
FOR CREATIVE ACTIVITY IS THE BASIS OF EDUCATIONAL
DEVELOPMENT**

Uktam Nematovich Farmonov

***Chirchik State Pedagogical Institute
of Tashkent region***

Abstract: This article is scientifically and theoretically based on the issues of improving the content, forms, features of education based on the preparation of future primary school teachers for creative activities.

Keywords: teacher, creativity, activity, student, education, attitude, independent thinking, team, quality, didactics, development.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида педагогларнинг

интеллектуал даражаларига кўйиладиган талабларнинг ортиб бориши уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва рефлексив куникмаларини ривожлантиришга эътиборни кучайтиради. Таълим муаммолари бўйича бутунжахон Форумида қабул қилинган 2030 йилгача мулжалланган концепцияда "...барча учун бутун ҳаёти давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш..."¹ долзарб вазифа этиб белгиланганлиги соҳани барқарор тараккий эътиришнинг устуворлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашнинг турли моделлари ва технологияларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради. Чунки, ижодий фаолият бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим жараёнида шахсий салоҳиятини амалга ошириши, касбий такомиллашуви, ўз мавқеини англаши, ўзини намоён қилиш, амалий тажрибаларига асосланиш сифатида ўзига хос хусусиятларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш давлат ва жамият буюртмасига ҳамда талабаларнинг касбий эҳтиёжларига мослигини таъминлашда уларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини амалга оширишда мустақил билим олиш, ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз-ўзини намоён қилишига ёрдам беради. Шу билан бирга ижодий фаолият талабаларда назарий ёндашувлар, шахсга йўналтирилган, компетенциявий, фаолиятли, коммуникатив-когнитив каби назарий ёндашувларни амалга оширишда узлуксизлик ва дифференциал, модул, ўзаро таъсир, рефлексивлик, илмий-методик кузатув тамойилларига асосланган ҳолда унинг мазмуни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ижодий фаолият асосида ўқитувчи ўқув мазмунини ижтимоий буюртма асосида модулли шакллантириш, ўқув материални ўзлаштиришда лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш, ўз касбий ривожланишида илмий-методик кузатувни амалга ошириш, таълим

шаклларини индивидуаллаштириш ва узлуксизлигини таъминлайди.

Ижодий фаолият бу нафақат оддийгина ғояларни ифодалаш ёки ўз нуқтаи назарига ишонтириш балки ушбу жараёнда ўқувчиларни ўрганиш ва улар билан биргаликда қарорлар қабул қилиш демакдир. Агар, ушбу нуқтаи назардан қаралса, ижодий фаолият ўқувчи ишончни қозониш, ўзаро тушинишга эришиш ва тўғри ёндошувни излаш, муҳим далилларни тақдим этиш ва муносабатларни ўрнатишдан иборат. Шу жиҳатдан ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш бу унинг компотентлик даражасида ўқувчилар билан муносабат ўрнатиш, таълим жараёнини яхши билиш, ўқувчиларни эшитиш ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзини тутиш, нотиклик санъатида жозибадор бўлиш демакдир. Ўқитувчи ўз ўқувчилари билан шундай муносабат ўрнатиши керакки, ундан манфаатдорлик барча учун тегишли эканлигини улар англашлари лозим. Шунинг учун ўқитувчи ўз нуқтаи назарини ўқувчиларга кўргазмали шаклда, рангба ранг, кутилмаган, ҳаётдан олинган воқеалар ва мисоллар асосида тушинтириши ва маҳоратли уста сифатида унинг ҳис туйғуларини сезиши унга тўғри муносабат билдира олиши муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўз ҳиссиётларини босиб туриши, баъзида эса, аксинча уларни ташқарига чиқариб ташлаши керак.

Ижодий фаолият жараёнида ўқитувчи ўқувчига бебаҳо фойда келтириши мумкин. Ўқитувчилар унинг моҳиятини тўғри тушинишлари учун ушбу жараёнда зийракликни, диққат билан ўз режалаларини амалга ошириш унинг маҳорати муҳим омил ва зарурият ҳисобланади. Чунки, ижодий фаолият жараёнида машғулотларни муҳокама қилиш ва ўқитиш, муаммоларни ҳал қилиш, ўқувчилар позициясини ўзгартириш, аргументларни тизимлаш, ишончли далилларни тақдим этиш ва ўқувчилар жамоасига тўғри ёндошишни талаб этади. Бунинг учун ўқитувчи ўз фаолиятида ўқувчиларнинг ота-оналари билан муносабатда бўлиш жараёнларида ижодий ёндашув усулларини тўғри йўналтириш ва

тарбиялаш, қўллаш таълим самарадорлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлаш жараёнида зарур бўлган масалани ижобий ҳал этилишига эришиш, ўқувчини бурчакка тикиб қўймай, унга “ўз сиймосини сақлаб қолишга” имконият бериш, ўқувчи фаолиятини пасайтирмаслиги, уларга танқидий муносабатда бўлмаслиги муҳим ўрин тутди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлашда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш асосида педагогик жараёнда объект билан субъект узвийлигига эришиш, объектнинг янги функцияларини кўра билиш, муаммоли масалаларни ҳал этишнинг муқобил шакллари ва йўллари излаб топа олиш, ўз-ўзини бошқара билиш кабилар таълим мақсадини аниқ ва пухта амалга оширишнинг асосий вазифаларини бажаради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашда муаммолар, тажрибаларни бажаришда аниқ мақсад асосида ҳаракат қилиш, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш кабилар ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражалари, таълим-тарбия жараёнини бошқариш имкониятларини ривожлантиради. Ушбу жараёнда биринчидан, талабаларда бошланғич таълим муаммолларини улар онгида шакллантириш, муаммоли тажрибаларни бажаришга доир билимларни ўзлаштириш, иккинчидан, уларда шаклланган билимларга ишлов бериш, ўзлаштириш бошланғич таълим муаммосига доир назарий билимларни малакага айлантириш, учинчидан бошланғич таълим муаммосига оид назарий билимларга ўз муносабатини билдириш ва уни амалиётда қўлланилишини тўлиқ англаш, мустақил фикрлаш, инновацион технологиялар ва интерфаол услублар, шакллар, воситалардан фойдаланишда мустақил фикрлаш, ўқув-ижодий фаолияти жараёнида назарий ва амалий билим ва кўникмаларга бўлган қизиқиши

шаклланишини таъминлайди. Бунинг натижасида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув-ижодий фаолияти такомиллашади. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўқувчининг белгиланган мақсадда кафолатланган натижага эришиши учун олдиндан бошланғич таълим муаммоларини ҳал этишда ижодий фаолияти жараёнини лойиҳалаш ўқувчилардаги янги назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ушбу жараёнда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида таълим-тарбия жараёнининг моҳиятини чуқур билиш, бошланғич таълим мазмунини мукаммал ўзлаштириш тадқиқотчилик ишларини мустақил бажаришлари учун тизим ишлаб чиқиш, ижтимоий вазифаларни аниқ белгилаш кабилар такомиллашади.

Ижодкор ўқитувчи ўз ўқувчиси фаолияти учун фандаги номаълум муаммоларни, номаълум ҳақиқатларни кашф этади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам янгилик, энг аввало, субъектив қимматга эга. Чунки ижод қила туриб, ўқитувчи ҳам ўқувчи ҳам ўз шахсини ривожлантиради. Шу билан бирга, ўқитувчи ижод қилиши жараёнида фанни, фан орқали жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшиши билан бирга ўқувчини ижод қилиш қобилиятларини тараққий эттиради. Ушбу жараёнда ўқитувчи ҳар бир мавзу мазмунига доир ахборотлар, билим ва ижодий фаолият усулларини амалга ошириш орқали ўқув фаолиятини маълум кетма-кетлик ва изчилликда бажаришнинг ўзига хос босқичларини алоҳида-алоҳида ўрганиш, ўқувчи ўзлаштиришини тез-тез назорат қилиш кабилар таълим самарадорлигини оширишга олиб келади. Ўқитувчининг машғулот жараёнидаги мақсади ўқувчининг шахсий тараққиётида интилиш, уларда ижодий фаолиятни тарбиялашда шахс камолотида муҳим ўрин тутди.

Ўқитувчи бошланғич таълим жараёнида муаммо мақсадларини англаш ва уни бажаришга доир топшириқ, муаммоли вазиятларни мустақил изоҳлаш йўли билан ўз мақсадини изоҳлашга ҳаракат қилади. Бунда унинг ўқувчиларни тушуниши, мақсадини англаши руҳий, ақлий,

жисмоний салоҳиятини маълум мақсадга йўналтириши уларда билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, билиш, нутқни ривожлантириш кабиларни амалга оширишга имконият яратади. Ушбу жараёнда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси бевосита психология, педагогика ва дидактикани мукамал эгаллаши натижасида турли муаммоларни ажрата билиш, таълим шакллари ва йўллари излаб топа олиши, ўқувчидаги камчиликларнинг сабабларини таҳлил асосида ўрганиши, маъсулиятни ҳис қила олиши, меҳнатсеварлик, ўз иши натижасини назорат қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниши ҳар бир машғулотнинг мазмуни ва методикасини ривожлантиради. Ўқитувчининг илмий салоҳияти, ўқув-услубий қўлланмалар, тарқатма ва дидактик материаллар мавжудлиги, уларнинг мазмуни ва сифати, ўз ишида эришган муваффақиятларини бошқа ўқитувчилар томонидан эътироф этилиши, замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиши кабиларни бажаришда самарадорликка эришиш учун шарт-шароитлар яратиш, ижодий фаолият жараёни мазмуни-моҳиятини очиқ беришга оид амалий ўқув семинарларни ташкил этиш, тажриба жараёнида фан-техника янгиликларини таълим жараёнига жорий этишнинг илмий асосларини чуқур ва пухта ўзлаштирилишига эришиш, ижодий фаолиятни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни шакллантириш, ижодий фаолиятни лойиҳалаш ва ижодий ишлаш маҳоратини ошириш кабилар таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашда замонавий педагогик технология, таълим назарияси, унинг мазмуни ва моҳияти, машғулотларни лойиҳалаш, техник воситаларидан самарали фойдаланиш, ўқувчилар жамоаси билан муваффақиятли мулоқотни ташкил этиш, психологик, педагогик вазиятларни тўғри баҳолай олиш, уларга мувофиқ ҳатти-ҳаракатни ташкил этиш, ўқувчининг ўқиш фаолияти ҳамда сифат самарадорлигини ошириш йўллари ва

воситаларини аниқлашга имкон берувчи дастурлар ишлаб чиқиш кабилар ўқув фаолиятини такомиллаштиради.

Бугунги кунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик тизимини ишлаб чиқиш, ўқув-услугий мажмуаларини яратиш кабиларнинг замон талаблари даражасида бўлиши унинг амалиётдаги ҳолатини такомиллаштиради. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятини тўғри йўналтириш ва ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш, сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган шакл, услуб, йўл, восита ва имкониятларни излаб топиш, мазмун ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, замонавий педагогик, компьютер, ахборот-коммуникация технологияларни ва янги техник воситаларни амалда қўллашга оид жаҳон ва МДХ давлатлари олимларининг илмий изланишлари, монографик тадқиқотлари, ўқув-услугий қўлланмаларини ўрганиш, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсирининг фаол ва нофаол вазиятларни аниқлашга оид модели, шакллари, хусусиятларининг ўзаро боғлиқлигининг блок-схемасини ишлаб чиқиш, унинг босқичлари ва омиллари ҳамда технологияларидан фойдаланиш, сифат ва самарадорликка эришиш мақсадида ҳозирги кундаги таълим муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, илмий-услугий хулосалар ишлаб чиқиш кабилар тарбия ўқитувчи фаолиятини такомиллаштиради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг ижодий хусусиятлари бу таълим-тарбия жараёнидаги усул ва услубларни эгаллаб олиш мустаҳкамлиги, тезлиги, чуқурлиги, ўқувчилар билимларини баҳолаш билан белгиланади. Ушбу жараёнлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ижодий фаолиятга тайёрлашнинг индивидуал хусусиятлари, тасаввурлари, изланишлари, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, интеллектуаллик жиҳатлари таълим-тарбия сифатини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all [World Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea].
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. ҚХММБ: 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019
3. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед.ф.н. ... дис. – Т.: ТДПУ, 2016.
4. Ашуров М.О. Миллий тарбия асослари. – Самарканд: СамДУ, 2004. – Б. 100.
5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 432.